**Мирзаев М.А**

# КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯСИ

## “Узбекистонда тарихий обидаларни саклаб колишда ЮНЕСКО ташкилоти билан хамкорлик”

**Тошкент 2011**

## ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўқув предмети. К**ейс бакалавриат таълим даражаси 2- босқич талабалари учун "Туризм асослари" фанининг " Туристик ресурслар" мавзуси бўйича тайёрланган.

**Кейснинг мақсади**: Туристик ресурсларини ўрганиш ва аниклаш, уларнинг саклаб колишда халкаро ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлларини ишлаб чиқиш .

**Кутилаётган натижалар:**

- Ўзбекистондаги обидаларни ўрганган ҳолда муаммони аниқлаш;
- муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг асосида кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимлари ишлаб чиқиш;
- корхонанинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлаш;

**Кейсни муқаффақиятли ечиш асосида** талабалар **қуйидаги натижаларга** эришишлари лозим:

- Ўзбекистондаг обидаларни рўйихатини билиш;
- туристик ресурсларини саклаш усулларини ўрганиш;
- тарихий обидаларни турмахсулотда ишлатиш йўлларини аниклаш;

**Мазкур кейс** илмий мақола асосида келтирилган.

**Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қуйидагилардан иборат:

- " Бошқарув" журнали № 5 2007 й

**Мазкур кейс илмий тадқиқотлари** асосида сюжетсиз кейс тоифасига киради. Кейснинг объекти бўлиб: Ўзбекистон обидаларини таҳлили берилган.. **Дидактик мақсадларга кўра** кейс – таҳлил қилишни ўргатиш ва фаолиятни омиллар бўйича баҳолашни аниқлашдан иборат.

Ушбу кейсдан – "Туризм бозори менежменти", "Туроператор менежменти", "Туризм ривожланишини прогнозлаш", "Туризм асослари" каби **фанларнинг машғулотларида фойдаланиш мумкин.**

# КИРИШ

**Кейснинг долзарблиги:** Ўзбекистондаги тарихий обидаларни саклаб колишда ЮНЕСКО ташкилоти билан халқаро хакорликнинг йулга кўйилиши хозирги кунда ўзига хос натижаларни бермоқда. Агар Самарқандни “Шарқ дурдонаси”, Бухорони “Бухорои шариф” деб номлашса, унда Тошкент Марказий Осиёдаги энг гўзал шахар, - деб номланишга хаклидир. У республиканинг энг йирик шахри бўлиб, ўзида хозирги замонавий иншоатлар билан бирга шарҳона меъморчиликни мужассамлаштирган.

**Кейснинг мақсади:** Туристик ресурсларини ўрганиш ва аниклаш, уларнинг саклаб колишда халкаро ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлларини ишлаб чиқиш .

**Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин**:

- Ўзбекистондаги обидаларни ўрганган ҳолда муаммони аниқланаш;
- муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг асосида кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимлари ишлаб чиқиш;
- корхонанинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишининг кетма – кетлигини аниқлаш;

# Кейс: Узбекистонда тарихий обидаларни саклаб колишда ЮНЕСКО ташкилоти билан хамкорлик.

Ўзбекистондаги тарихий обидаларни саклаб колишда ЮНЕСКО ташкилоти билан халқаро хакорликнинг йулга кўйилиши хозирги кунда ўзига хос натижаларни бермоқда. Агар Самарқандни "Шарқ дурдонаси", Бухорони "Бухорои шариф" деб номлашса, унда Тошкент Марказий Осиёдаги энг гўзал шахар,- деб номланишга хаҳлидир. У худуднинг энг йирик шахари бўлиб, ўзида хозирги замонавий иншоатлар билан бирга шаркона меъморчиликни мужассамлаштирган.

XI асрда Тошкент хакида уша даврнинг йирик тадкикотчи олимлари булмиш Беруний ва Махмуд Кошгарийлар уз асарларида маълумот беришган.

Купчилик унда тарихий ёдгорликлар кам деб адашади. Албатта, унда Самарканд, Бухоро ва Хивадаги каби архитектура обидалари мажмуаси кам. Тошкент мамлакатнинг сиёсий, иктисодий, илмий маркази хисобланади. Келажакка интилаётган ёш мустакил мамлакатнинг пойтахтидир. Лекин, унинг тарихи хам гавхар каби уни янада жозибадор килади.

Самарканд хакли равишда "Ислом оламининг кимматбахо гавхари", "Шарк дурдонаси" деб номланади. Унинг тарихи Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Рудакий, Умар Хайём, Жомий, Навоий каби улуг уламо олимлар ва шоирларнинг номлари билан чамбарчас богликдир.

Аник фанлар ва курилиш ишларининг ютуги кургазмали маданиятни жуда тез ривожланишига олиб келди. Бу айникса Самарканднинг ноёб архитектура обидаларида намоён булади. Шахар айникса Амир Темур ва Темурийлар хукумронлик килган даврида уз ривожланиш чуккисига эришган.

Самаркандга келган мехмонлар албатта биринчи навбатда Регистон майдони билан танишадилар.

Темурнинг набираси Мирзо Улугбек – илм фан хомийси майдоннинг марказий кисмини курдира бошлаган. Хозирги кунга келиб Регистон майдонини учта ажойиб иншоатлар, яъни Улугбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари безаб туради.

Афросиёб шахарчаси кирлигида жойлашган Самарканд Шохи Зинда макбаралар ансамбли бутун Марказий Осиё архитектура иншоатларининг фахри хисобланади. Амир Темур буйруги билан Гури Амир макбараси хам бунёд килинган. Бу курилиш бошланишига 1403 йил Сохибкироннинг севимли набираси Мухаммад Султоннинг бевакт улими сабаб булди.

Кадимдан мусулмон оламида Бухорони Бухорои Шариф деб номлашган. Шахар 2500 йиллик тарихга эга. Масалан, улкан Арк саройи эрамизгача IV асрда бунёд этилган.

Йил сайин кучалари узгариб борди, бинолар узгача куриниш олди. Хозирги саёхатчи бу куп асрлик узгаришларни бизгача сакланиб келинган ёдгорликлар намунасида куриши мумкин. Улардан 140 дан ортиги сакланиб колган.

Бохоро хукумрони Арслон Хон янги минора курдиришга карор килган. Бу минорани 1127 йил куриб битказишган ва Минораи Калон деб номлашган.

"Минораи Калон" шахарнинг хамма иншоатларини бирлаштиради.

Энг мухими бу ерда XII асрда курилган шахар масжиди былган Масжиди Калон жойлашган.

Шахарнинг энг кузга куринган архитектура ансамбли бу Лаби Ховуздир. Бу ер марказида жойлашган ва 1620 йилда казилган ховуз булгани учун Лаби Ховуз деб номлашган. Ансамблга ажойиб архитектура ёдгорликлари булган Кукалдош мадрасаси, Хонака ва Нодира Давон Беги мадрасалари киради.

Албатта Бухоронинг охирги Амири курдирган Ситораи Мохи Хосса саройини хам зиёрат килиш керак.

Марказий Осиёнинг буюк дарёси былган Амударёнинг куйи кисмида, китъанинг улуг чуллари булмиш Коракум ва Кизилкум оралигида Хоразм жойлашган.

Хивада саёхатчи тез ва тулик равишда утган асрларга кайтади, Ичан Калъа деворларини ортда колдириб. Ичан Калъага туртта томондан дарвоза олиб киради.

Бу ерда Калта–Минор хам жойлашган. У айлана шаклида курилган булиб, мовий рангдаги гиштлар билан безатилган ва худди уртасидан кесиб ташланганга ухшайди.

Калта Минор ёнида Аминхон мадрасаси жойлашган. Бу ерда сакланиб колган энг йирик диний укув масканларидандир. Бу иншоатнинг узига хос томони ундаги иккиланган хужраларнинг борлиги. Бу хужралар талабалар яшаши учун фойдаланилган.

Уз чиройи билан Жума масжиди хам ажралиб туради. Кириш дарвозаларида унинг курилиш санаси 1778 -1782 йиллар ёзувлари сакланиб колган.

Эски шахар ташкарисида хам ажойиб ёдгорликлар кам эмас. Бутун Хоразм улкаси уларга бойдир.

ЮНЕСКО томонидан курикланадиган ёдгорликлар каторига якинда 2500 йиллиги нишонланган Шахрисабз хам киритилган. Шахар тог ён багрида кукаламзорликларга бой жойда жойлашган. Кулолчилик ва халк амалий санъати булмиш тукувчиликни кадимги маркази хисобланади. Бу юрт - Амир Темур ватанидир.

Буюк давлат ташкил килиб, шон – шухратга эга булиб хам Амир Темур бу ерга кайтиб келган. Шахрисабз унинг ёшлиги ва усмирлик йиллари утган мукаддас жой булиб колган. Бу ерда Амир Темурнинг отаси, диний устози Шамсиддин Кулол, катта угиллари Жахонгир ва Умар Шайхлар дафн этилганлар.

Шахрисабзни замондошлари Амир Темур “тахтини остонаси” деб аташган. Амир Темур Шахрисабзни узининг улкан давлатини иккинчи пойтахти килди.

Халкаро туризм буйича махсус очик иктисодий зоналар лойихаси Узбекистоннинг куйидаги тарихий архитектура ёдгорликларини уз ичига олади:

— “Регистон” ансамбли (Шердор мадрасаси ва Улугбек мадрасаси, Тиллакори масжид – мадрасаси, Шайбонийлар дахмаси, Чорсу савдо маркази);
— Амир Темур майдони ва макбараси;
— Хожа Исмоил Имом Бухорий ансамбли;
— Шохи – Зинда макбараси;
— Биби хоним масжиди;
— Рухобод макбараси;
— Афросиёб шахарчаси;
— Улугбек расадхонаси.

Туристларнинг окими жадал усиб бораётган диний йуналишдаги куйидаги объектлар хисобланади:

— Хожа Ахрор ёдгорлиги;
— Нодира Девонбеги мадрасаси;
— Хожа Дониёр макбараси;
— Хазрати Хизр масжиди;
— Ок Сарой макбараси;
— Ишрахона макбарси;
— Хожа Абду Дорун ёдгорлиги;

Илмий – маданий туризмга куйидагилар сезиларли кушимча хисобланади:

— Узбекистон халклари тарихи ва маданияти музейи;
— Афросиёб шахарчасидаги Самарканд тарихи музейи;
— Улугбек илмий тарихи музейи;

— Вилоят улкашунослик музейи;

— Алишер Навоий музейи;

— С. Айний уй - музейи;

— “Буюк Ипак йули” фрескаси ва чет эл тиллари институтида жойлашган расмлар кургазмаси зали;

— Тинчлик ва багрикенглик музейи;

— АЖ “Нафис” чинни идишлари музейи.

Турли миллат вакиллари булган туристлар куйидаги обидаларни зиёрат килиб рухан завкланадилар:

— Тожиклар, арманлар, корейцлар, татарлар, яхудийлар, форслар маданият маркази;

— Алексеев сабори;

— Арман черкови;

— Яхудийлар синагоги;

— Корейцлар “Севги” черкови;

— Мелик ака хусусий этнографик музейи;

Халкаро туризм буйича махсус иктисоди очик зоналар каторига дам олиш ва хордик чикариш индустрияси объектлари хам кушилиши кузда тутилмокда. Хусусан, куйидагилар:

— Тарихий кийимлар театри;

— “Самарканд” мехмонхонасидаги модалар театри;

— “Оловли гул” томошаси;

— Шердор мадрасасидаги театрлашган томоша;

— Регистон майдонидаги чирок ва товуш томошаси;

— “Афросиёб” мехмонхонасидаги хордик чикарувчи шоу;

— “Сайёр” мехмонхонасидаги “Хайрли тун” шоуси;

— АЖ “Ховренко” номидаги винзавод вино сакланадиган жойларни куриш ва винолар дегустацияси;

— Миллий фальклор гурухларининг концерт дастурлари.

Табиийки, туристлар томонидан халкаро туризм махсус иктисодий очик зоналари буйича зиёрат килинадиган обидалар ичида Самарканд узининг тарихий шахслари Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ёдгорликлари билан тулдириб туради.

Бу каби бой тарихий ва маданий мерос дунё халкларининг бойлиги хисобланади. Шунинг учун уларни асл куринишида саклаб колиш ва келгуси авлодга етказиш учун ЮНЕСКО ташкилотининг урни бекиёс катталигини хисобга олганда, бу ташкилот билан стратегик хамкорликни бундан хам ривожлантиришга тугри келади.

## 4. Талабаларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар ва топшириклар

1. Кейсда кўрсатилган муаммони аникланг?
2. Туристик ресурслар,- деганда нима кўзда тутилади?
3 ”Бухорои Шариф”даги обидаларни тахлилини беринг.
4. ”Шарқ дурдонаси”даги обидалар ҳақида айтиб беринг.
5. Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси туризм ривожланишига қандай таъсир этмоқда?
6. Мамлакатимиздаги тарихий ва маданий меросимизни саклаб қолиш чора-тадбирлари.

# 5. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР

## 5.1. Муаммоли ҳолатни мустақил ҳолда таҳлил қилиш ва ечишга оид қўлланма

| Босқичлар | Тавсия ва маслахатлар |
|---|---|
| 2.Берилган ҳолат билан танишиш | Берилган маълумотлар асосида асосий мақсадини аниқлаш. |
| 3. Асосий ва қуйи муаммоларни аниқлаш | Асосий муаммони аникланг.<br>Унинг қуйи муаммолари:<br>1.Туристик ресурслар,- деганда нима кўзда тутилади?<br>2 ”Бухорои Шариф”даги обидаларни тахлилини беринг.<br>3.”Шарқ дурдонаси”даги обидаларни ҳақида айтиб беринг.<br>4.Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси туризм ривожланишига қандай таъсир этмоқда?<br>- |
| 6. Муаммоли ҳолатнинг ечимини таъминловчи тадбирларни ишлаб чиқиш | Мамлакатимиздаги тарихий ва маданий меросни саклаб қолиш чора-тадбирлари. |

## 5.2. Муаммоли ҳолатни гуруҳли ҳолатда таҳлил қилиш ва ечишга оид қўлланма

| Босқичлар | Таклиф ва маслахатлар |
|---|---|
| Муаммо ва ҳолат тўғрисида тушунчаларни шакллантириш | Гуруҳ аъзоларининг ҳолат, муаммо ва қуйи муаммолар тўғрисидаги тушунчаларини муҳокама этиш ва маъқуллаш. |
| Таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор ғояни танлаш | Муаммони ҳал қилишнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қилиш ва баҳолаш. Сизнинг фикрингизча устувор бўлган ғояни танлаш. |
| Умумий талабга жавоб берувчи ечимнинг вариантини ва уни тадбиқ қилиш дастурини ишлаб чиқиш | Муаммонинг умумий талабга жавоб берувчи ечимнинг вариантини ва уни тадбиқ қилиш дастурини ишлаб чиқиш:<br>- муаммони ҳал қилишнинг танланган усулларини аниқ ва яққол ифодаланг ва асослаб беринг;<br>- муаммони тадбиқ қилишнинг илк қадамларини ифодаланг. |
| Презентацияни тайёрлаш | Гуруҳ номидан оғзакки презентация кўринишида ечимнинг натижаларини ифодаланг. Гуруҳли ишнинг натижаларини ким тақдим этишини муҳокама этинг ва ҳал қилинг: гуруҳ етакчиси ёки масала моҳиятига ва бажарилган функцияларга боғлиқ ҳолда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси.<br>Мультимедиа, слайд ёки плакат кўринишида тарқатма материалларни тайёрланг. |

## 5.3. Амалий машғулотда талабалар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Муаммоли ҳолатнинг ечимини таъминловчи тадбирларни баҳолаш тизими

1. Ҳар бир иштирокчига 2 баллдан қўйилади.
2. Ҳар бир ечимнинг варианти бўйича қўйилган баллар йиғилади. Энг юқори балл тўплаган вариант ғолиб бўлади. Баҳсли ҳолатларда қайта баҳоланади.

### Гуруҳда кейсни ечиш варианларини баҳолаш жадвали

(балларда)

| Иштирокчилар | Муаммони ечимининг альтернатив вариантлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | № |
| А | | | | | |
| Б | | | | | |
| В | | | | | |
| № | | | | | |
| Жами | | | | | |

### Индивидуал фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (ёзма иш)

(балларда)

| Мезонлар | Баҳолаш кўрсаткичлари | | |
|---|---|---|---|
| | Тўлиқ (2 балл) | Қисман (1 балл) | Жавоб йўқ (0) |
| 1.Туристик ресурслар,- деганда нима кўзда тутилади? | | | |
| 2. ”Бухорои Шариф”даги обидаларни тахлилини беринг. | | | |
| 3.”Шарқ дурдонаси”даги обидаларни ҳақида айтиб беринг. | | | |
| 4.Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси туризм ривожланишига қандай таъсир этмоқда? | | | |
| 5.Мамлакатимиздаги тарихий ва маданий меросимизни саклаб қолиш чора-тадбирлари. | | | |
| **Жами баллар** | | | |

# 6. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

**1. Кейсда кўрсатилган муаммони аникланг.**

Кейсдаги асосий муаммо – бу бизнинг миллий меросимизнинг саклаб қолиш муаммосидир

**2. Туристик ресурслар,- деганда нима кўзда тутилади?**

Туристик ресурслар, - деганда биз аввало тарихий ва маданий обидаларимиз деб биламиз.

**3.”Бухорои Шариф”даги обидаларни тахлилини беринг.**

Кадимдан мусулмон оламида Бухорони Бухорои Шариф деб номлашган. Шахар 2500 йиллик тарихга эга. Масалан, улкан Арк саройи эрамизгача IV асрда бунёд этилган.

Йил сайин кучалари узгариб борди, бинолар узгача куриниш олди. Хозирги саёхатчи бу куп асрлик узгаришларни бизгача сакланиб келинган ёдгорликлар намунасида куриши мумкин. Улардан 140 дан ортиги сакланиб колган.

Бохоро хукумрони Арслон Хон янги минора курдиришга карор килган. Бу минорани 1127 йил куриб битказишган ва Минораи Калон,- деб номлашган.

“Минораи Калон” шахарнинг хамма иншоатларини бирлаштиради.

Энг мухими бу ерда XII асрда курилган шахар масжиди булган Масжиди Калон жойлашган.

Шахарнинг энг кузга куринган архитектура ансамбли бу Лаби Ховуздир. Бу ер марказида жойлашган ва 1620 йилда казилган ховуз булгани учун Лаби Ховуз деб номлашган. Ансамблга ажойиб архитектура ёдгорликлари булган Кукалдош мадрасаси, Хонака ва Нодира Давон Беги мадрасалари киради.

Албатта, Бухоронинг охирги Амири курдирган Ситораи Мохи Хосса саройини хам зиёрат килиш керак.

**4.”Шарқ  дурдонаси”даги обидаларни ҳақида айтиб беринг.**

Самаркандга келган мехмонлар, албатта, биринчи навбатда Регистон майдони билан танишадилар.

Темурнинг набираси Мирзо Улугбек – илм фан хомийси майдоннинг марказий кисмини курдира бошлаган. Хозирги кунга келиб Регистон майдонини учта ажойиб иншоатлар, яъни Улугбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари безаб туради.

Афросиёб шахарчаси кирлигида жойлашган Самарканд Шохи Зинда макбаралар ансамбили бутун Марказий Осиё архитектура иншоатларининг фахри хисобланади. Амир Темур буйруги билан Гури Амир макбараси хам бунёд килинган. Бу курилиш бошланишига 1403 йил Сохибкироннинг севимли набираси Мухаммад Султоннинг бевакт улими сабаб булди.

**5. ЮНЕСКО ташкилоти тарихий обидаларни сақлашда қандай ёрдам бермоқда?**

Бу каби бой тарихий ва маданий мерос дунё халкларининг бойлиги хисобланади. Шунинг учун уларни асл куринишида саклаб колиш ва келгуси авлодга етказиш учун ЮНЕСКО ташкилотининг урни бекиёс катталигини хисобга олганда, бу таiкилот билан стратегик хамкорликни бундан хам ривожлантиришга тугри келади.

**6. Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мерјси туризм ривожланишига қандай таъсир этмоқда?**

Халкаро туризм буйича махсус очик иктисодий зоналар лойихаси Узбекистоннинг куйидаги тарихий архитектура ёдгорликларини уз ичига олади:

— “Регистон” ансамбли (Шердор мадрасаси ва Улугбек мадрасаси, Тиллакори масжид – мадрасаси, Шайбонийлар дахмаси, Чорсу савдо маркази);

— Амир Темур майдони ва макбараси;

— Хожа Исмоил Имом Бухорий ансамбли;

— Шохи Зинда макбараси;

— Биби хоним масжиди;

— Рухобод макбараси;

— Афросиёб шахарчаси;

— Улугбек расадхонаси.

Туристларнинг окими жадал усиб бораётган диний йуналишдаги куйидаги объектлар хисобланади:

— Хожа Ахрор ёдгорлиги;

— Нодира Девонбеги мадрасаси;

— Хожа Дониёр макбараси;

— Хазрати Хизр масжиди;

— Ок Сарой макбараси;

— Ишратхона макбарси;

— Хожа Абду Дорун ёдгорлиги;

Илмий – маданий туризмга куйидагилар сезиларли кушимча хисобланади:

— Узбекистон халклари тарихи ва маданияти музейи;

— Афросиёб шахарчасидаги Самарканд тарихи музейи;

— Улугбек илми тарихи музейи;

— Вилоят улкашунослик музейи;

— Алишер Навоий музейи;

— С. Айний уй - музейи;

— "Буюк Ипак йули" фрескаси ва чет эл тиллари институтида жойлашган расмлар кургазмаси зали;

— Тинчлик ва багрикенглик музейи;

— АЖ "Нафис" чинни идишлари музейи.

Турли миллат вакиллари былган туристлар куйидаги обидаларни зиёрат килиб рухан завкланадилар:

— Тожиклар, арманлар, корейцлар, татарлар, яхудийлар, форслар маданият маркази;

— Алексеев сабори;

— Арман черкови;

— Яхудийлар синагоги;

— Корейцлар "Севги" черкови;

— Мелик ака хусусий этнографик музейи;

Халкаро туризм буйича махсус иктисоди очик зоналар каторига дам олиш ва хордик чикариш индустрияси объектлари хам кушилиши кузда тутилмокда. Хусуса, куйидагилар:

— Тарихий кийимлар театри;

— "Самарканд" мехмонхонасидаги модалар театри;

— "Оловли гул" томошаси;

— Шердор мадрасасидаги театрлашган томоша;

— Регистон майдонидаги чирок ва товуш томошаси;

— "Афросиёб" мехмонхонасидаги хордик чикарувчи шоу;

— "Сайёр" мехмонхонасидаги "Хайрли тун" шоуси;

— АЖ "Ховренко" номидаги винзавод вино сакланадиган жойларни куриш ва винолар дегустацияси;

— Миллий фальклор гурухларининг концерт дастурлари.

Табиийки, туристлар томонидан халкаро туризм махсус иктисодий очик зоналари буйича зиёрат килган обидалар ичида Самарканд узининг тарихий шахслари Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ёдгорликлари билан тулдириб туради.

**6. Мамлакатимиздаги тарихий ва маданий меросни саклаб қолиш чора-тадбирлари.** Бу каби бой тарихий ва маданий мерос дунё халкларининг бойлиги хисобланади. Шунинг учун уларни асл куринишида саклаб колиш ва келгуси авлодга етказиш учун ЮНЕСКО ташкилотининг урни бекиёс катталигини хисобга олганда, бу ташкилот билан стратегик хамкорликни бундан хам ривожлантиришга тугри келади.

# 7. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАРНИ (КЕЙСЛАРНИ) ЕЧИШ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| *Мавзу* | *Туристик маҳсулот маркетинги тактикаси ва стратегияси* |
|---|---|
| *Талабалар сони: 10* –12 | *Вақти* 4 соат |
| *Ўқитиш шакли* | *Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чуқурлаштириш.* |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Кейсга кириш ва уни назарий жиҳатдан ёритиб бериш.<br>2. Муаммонинг долзарблиги.<br>3. Корхонанинг маркетинг стратегиясини ўрганиш.<br>3. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.<br>4. Кейсни гуруҳларда ечиш.<br>5. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш ғояларини кўриб чиқиш.<br>6. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация қилиш.<br>7. Гуруҳларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* | Туристик ресурсларини ўрганиш ва аниклаш, уларнинг саклаб колишда халкаро ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлларини ишлаб чиқиш . |
| *Педагогнинг вазифалар*:<br>- муаммоли ҳолатнинг ҳусусиятларини ифодалаб беради:<br>- кейсда корхонанинг фаолияти ва маркетинг-нинг ҳолати билан таниш-тиради ва таҳлил қилишни тавсия этади;<br>- муаммони аниқлаш ва уни ечиш кетма – кетли-гини ишлаб чиқишни ўр-гатади;<br>- кейсда муаммонинг маълумотларини бошқа-рув ва ишлаб чиқариш тизимини яхшилаш учун ҳисоб - китоблар ўтказиш ҳамда якуний хулосалар | *Ўқув фаолиятнинг натижалари:*<br>- Ўзбекистондаги обидаларни ўрганган ҳолда муаммони аниқланади;<br>- муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг асосида кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимлари ишлаб чиқиш;<br>- корхонанинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлаш; |

| | |
|---|---|
| чиқаришни тавсия қилади | |
| *Ўқитиш услуби* | Кейс-стади услуби савол-жавоб, ёрдамида муаммоларни ечиш |
| *Ўқитиш шакли* | Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кейс-стади, ўқув дафтарлари, иловалар, лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар), |
| *Ўқитиш шартлари* | Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | мустақил ўрганиш учун кейс-стади берилади, уй вазифаси учун мустақил ҳолатда таҳлил қилишни таклиф қилади. |

## Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқич-лари ва вақти | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1–босқич Тайёрлов қисми (10 мин) | 1.1.Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва таништиради;<br>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қилади.<br>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кейсга таааллуқли қўлланмалар ва тарқатма материалларни тарқатади.<br>1.4. Таклиф этилган кейс билан мустақил ҳолда танишишни таклиф этади.<br>1.5. Мустақил ишлаш учун баҳолаш мезони варақасини тарқатади.<br>1.6. Гуруҳларда ишлаш кўрсатмасини тушунтириб ўтади. | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич Асосий қисм (130 мин) | 2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишни ташкил қилади. Бунинг учун қисқа тарзда корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш борасида қилинадиган ишлар ҳақида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тариқасида кўрсатилади ва у шарҳланади.<br>2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқларп беради. Жамоа ишлаб чиққан ҳолатий таҳлил варақасини тўлдирадилар, муқобил ғояларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.<br>2.3. Ўқув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “Гуруҳда кейсни ечиш варианларини баҳолаш жадвали ” текширади ва баҳолайди.<br>2.4. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қилади ва ўзаро баҳолайди.<br>2.5. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама | Эшитадилар, конспектларда қисқа тарзда ёзиб борадилар.<br>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзиб борадилар.<br>Саволларни аниқлайдилар, муҳокама қиладилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.<br>Ўқув топшириқларни бажарадилар.<br>Гуруҳлар натижаларнинг презентация қиладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | қилади. Муаммонинг таҳлили ва холатнинг ечимига алоҳида эътибор беради.<br>2.6. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қилади ва намойиш қилади. | Дискуссияда қатнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баҳолайдилар. |
| 3-босқич. Якуний босқич (20 мин) | 3.1.Натижаларга якуний хулосалар қилади, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хулосалар қиладилар ва баҳолайдилар.<br>3.2. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корхонани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади. | |